



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: info@xs.uz

2005 йил 9 февраль, № 27 (3572)

Чоршанба

Ҳазрат, пойингизда боғлар гуллагай!

Барча олижаноб ишларимизда Навоий гоялари, Навоий ибрати, Навоий руҳи бизга ҳамиша ҳамроҳ бўлсин!

Ислон КАРИМОВ.

Диккат, янги руҳ:

«Бунёдкорлик соҳномаси»

Ҳурматли газетхонлар! Ўзбекистонда мустақиллик эълон қилинганидан кейин мамлакатимизда Президент Ислон Каримов раҳбарлигида ҳаётнинг барча жабҳаларида узоқни кўзловчи бунёдкорликлар бошланди ва улар ишжояси суратларда давом эттирилмоқда.

Халқимиз, айниқса, ҳозирги ёш авлод ва келажак насллар бу қахрамонона бунёдкорлик ишларини, улар қандай ташаббус ва гоялар асосида, қандай тарихий шароитда, қандай мақсадларда ва қачон бунёд этилганини яхши билишлари керак. Бундай тарихий билимнинг ҳосиятлари бебаҳодир. Шуларни ҳисобга олиб, «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари Ўзбекистон Мустақиллигининг 14 йиллиги олдидан «Бунёдкорлик соҳномаси» деган мавзуда махсус саҳифалар туркумини уюштириш ва йил давомида эълон қилиб боришни режалаштирмоқда. Махсус саҳифалар туркумини режалаштиришдан қутулган мақсад Мустақиллик даврида халқимиз ҳаётида ўчмас из қолдирган воқеаларни тарихга муҳрашдир.

Газеталарда чоп этилган мақолалар Мустақиллигимизнинг 14 йиллиги байрами олдидан ўзбек, рус ва инглиз тилларида китоб ҳолида нашр этилади.

Пойтахтимизда улғў ўзбек шоири, мутафаккари



кири ва давлат арбоби Алишер Навоий номидаги Миллий боғ, бу зотга аталиб Навоий шаҳрида бунёд этилган улкан ёдгорлик мажмуи тарихи ва умуман Мустақиллик йилларида Ватанимизда бу улғў сиймога уйғонган буюк эҳтиром тўғрисида ҳикоя қилувчи ушбу мақолани шу катта ижодий режанинг дебонаси сифатида қабул қилгансизлар.



Довон қор кўчкисидан тозаланмоқда

Фарғона водийси вилоятларини пойтахтимиз билан боғловчи Қамчиқ дово-нида қор кўчкисидан хавфи туфайли ҳаракат тўхтатиб қўйилганига бир ҳафтадан ошди.

Довонда ҳозир вазиет қандай? Ушбу мавзуда Наманган вилояти фавқулодда вазиетлар бошқармаси бошлигининг биринчи ўринбосари, полковник Баҳромжон РАҲМОНОВ билан шўба раҳбарлари билан суҳбат қилишди.

Юртимиз кескин континентал климат зонасида жойлашган, ўзгарувчан, беқарор об-ҳаво биз учун ҳам янглик эмас. Февраль ойи бошдан буён мамлакатимизнинг тоғли ҳудудларига қор ёғиши кучайди. Қамчиқ дово-нининг айрим жойларига ёққан қорнинг қалинлиги 60 сантиметрдан икки метргача етди. 1 февраль кунини эрталаб соат 11:00 да қор кўчиши хавфи мав-жудлиги боис доводда транспорт ҳаракати тўхтатиб қўйилганидан хабарингиз бор.

2 февраль кунини 159-километрда жойлашган курувчилар вагончасига қор кўчкиси тушиши оқибатида тўрт киши, шунингдек, қўчи хавфини тадқиқ этаётган метеостанция ходими ҳалок бўлган. Бу ҳақда оммавий ахборот воситалари хабарларида батафсил айтилди. Ердамга муҳтожлар учун Наманган вилоятидаги Поп марказий шифохонасида 100 ўринга мўлжалланган ёрдам пунктлари ташкил этилди. Вилоят фавқулодда вазиетлар бошқармаси ва бошқа муассасалар ташкилотлар томонидан бир неча ўнлаб кишилар хавфсиз жойларга кўчирилди. Уларга тез тиббий ёрдам кўрсатилди.

(Давоми 2-бетда).

Алишер Навоий — буюк шоир, мутафаккир инсон ва бор умрини адолат тантанаси ва эл-юрт фаровонлигига бағишлаган давлат арбоби эди. Унинг бадиий ижодиётида миллий даҳо эканлигини энг донгдор замондошлари ҳам эътироф этишган. Биз шу эътирофлардан биттасини эслайлик. Хуросон шоҳи ва нозиктаъб шоир, Алишер Навоийнинг бо-лиқ дўсти ва эмикдоши Хусайн Бойқаро (уни чақалоқлигида шоирнинг онаси эмизган) шоир тўғрисида шундай таърифи ёзиб қолдирган: «Назм тарихининг барча навъида соҳибқиронлик макомини эгалладур».

Ҳа, Алишер Навоий — ўзбек адабиётининг соҳибқиронидир. Агар Амир Темури ўзининг буюк иродаси ва куч-қудрати билан Туронзаминда марказлашган буюк давлатни вужудга келтирган, халқимизнинг ижтимоий-

сийсий жиҳатдан миллий ўзлигини таъминлаган бўлса, у билан кетма-кет дунёга келган Низомиддин Мир Алишер Навоий бу миллатнинг маънавий ўзлигини оламшумул даражада намоён этиб кетди. Аввало, у миллий ўзлигининг бош негизи бўлган ўзбек тилини буюк адабий тил сифатида жаҳонга танитди. Тўғри, Навоийдан олдин ўтган Атоий, Саққокий, Лутфий каби шоирлар гўзал шеърятлари билан тилимизнинг бадиий имкониятларини аён этди-ди. Бироқ Навоий ҳақисида ўзбек тилини чўқига кўтарди. Бу тилда «Хамса»дай машҳур дostonлар туркуми, тўрт йирик доводдан иборат «Ҳазойинул-маоний» сингари буюк шеърини дурдоналарни яратди. Абдураҳмон Жомий ўзининг «Ҳирадномаи Искандарий» дostonи муқаддима-сида: Навоий «Хамса»-си туркий тилда шундай ашҳоб бир куй бўлдики, жодунафасиллар оғиз-

ларини очолмай қолдилар. Бундай куйни вужудга келтирган ул қаламга осмондан офиринлар бўлсин, деган шоҳона байтини битган эди. «Хамса», ҳақи равишда, Шарқ адабиётининг «Рамаяна», «Маҳобхарата», «Шоҳнома» каби улмас ёдгорликлари қаторида туради.

Алишер Навоийнинг тилимиз олдидики яна бир хизмати шуки, у буюк бир аллома сифатида туркий (ўзбекона) ва форсий тилларни қиёслаб, она тилимизнинг бойлиги, нафосатини кўз-кўз этиб исботлаган машҳур «Муҳокаматул-луғатайи» тадқиқотини яратди. Навоийнинг бундай улғў саъй-ҳаракатлари ўз даврида катта обрў-эътибор қозонди. Масалан, Навоийнинг таъсирида Хусайн Бойқаро саройида ҳужжатлар ўзбек тилида юритиладиган бўлди. Тасаввур қилинг: Хуросон давлатида давлат ҳужжатлари ўзбек тилида юритилган!

XX аср охирида ўзбек тили Президент Ислон Каримовнинг матонати билан яна дунёда ўз мартабасини топиб, Давлат тили мақомига эришди. Шу йўлда ривож топмоқда. Гўё асрлар ўтиб, Алишер Навоий ҳазратлари ибрати бу борада бизга раҳнамо бўлди ва оқ фотиҳа берди.

Алишер Навоий фақат адабиётдагина эмас, балки инсон сифатида ҳам замонасининг но-дири эди. Юксак илохий маънавият соҳиб сифатида у бизга ўзи бутун мамлакатга татиди. Навоий — халқнинг суяган тоғи ҳамда Хусайн Бойқаро давлатининг таъни ва ишончи эди. У — эзгулик, адолат, илм-фан, адабиёт ва санъатга хомийлик қилди, неча-неча буюкларни во-яга етказди. Шу боисдан халқ уни «Ҳазрат» деб эътироф этди. Халқнинг билгани эса, Ҳақнинг билганидир.


(Давоми 3-бетда).

ПРЕЗИДЕНТ МАЪРУЗАСИ КИТОБ ҲОЛИДА ЧОП ЭТИЛДИ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг «Ўзбекистон» нашриёт-матбаа ижодий уйи Президент Ислон Каримовнинг «Бизнинг бош мақсадимиз — жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир» китобини нашрдан чиқарди.

Ушбу китобдан давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг биринчи мажлисида сўзлаган нутқи ҳамда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси ўрин олган.

Юртимизимиз, аввало, парламент сайловларининг аҳамияти ҳақида батафсил тўхталиб, Конституциямиз, республикамизнинг сайлов қонунчилиги талаблари ҳамда халқаро меъёр ва қоидаларга тўлиқ амал қилган ҳолда, очиклик ва демократик руҳда ўтган сайловлар мамлакатимиз демократик қурилиш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлидан дадил қадамлар билан илгари бораётганининг яна бир ёрқин далили бўлганлигини таъкидлайди.



Давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси ҳаётимизни ислоҳ қилиш ва янгилаш мақсадидаги устувор вазифа ва йўналишлар аниқ-равшан кўрсатиб берилгани билан айниқса қимматлидир. Китобда уқтирилгани-

янада эркинлаштиришдан иборатдир.

Президентимиз маърузасида алоҳида таъкидлаганидек, «Мамлакатни модернизация қилиш ва аҳолига муносиб турмуш шароити яратиш бериш борасида ўз олдимизга қўйган мақсад ва вазифаларимиз ҳамда минтақа ва жаҳон бозорларида рўй бераётган ўзгаришлар, кучли талаб ва рақобат иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштиришни объектив шарт қилиб қўймоқда».

Президент Ислон Каримов мамлакатимизни ислоҳ қилиш ва янгилаш мақсадида олдимизга қўйган энг муҳим йўналиш ва устувор вазифалар юртимизнинг ҳар бир фуқаросидан фидойилик кўрсатиб меҳнат қилишни, ҳам-жихат ва самарали фаолият юритишни талаб этади.

Китоб ўзбек ва рус тилларида кўп минг нуса-хада чоп этилган.

(Ў.А.)

Жаҳон 24 соат ичида

Бош котиб айблови

БМТ Бош котиби Кофи Аннан Судан ҳукуматини Дарфур можаросида Хавфсизлик Кенгаши тарафидан қўйилган икки муҳим талабни бажармаганлиги айблади. Булар ҳукуматни қўллаб-қувватловчи исбнчи гуруҳларни тарқатиб юбормаганлиги ҳамда



айбдорлар қамокка олинмаганлиги-дир. Шу билан бирга, Дарфурда тинч аҳолига ҳужумга йўл қўйиб берганлиги-дир.

БМТ маълумотларига кўра, ушбу заидидан жабр кўрганлар ҳамда ҳалок бўлганлар сони 2 миллионга етди.

Муҳожирлик сиёсати ўзгаради

Буюк Британия ҳукумати муҳожирлик сиёсатини ўзгариштириш борасида янги дастур ишлаб чиқмоқда. Унга

кўра, фақат Англия ҳақида етарли билимга ва бирор касбга эга бўлган шахсларгина мамлакат ҳудудида ишлаш ҳуқуқини кўлга киритади. Янги тизим Австралия ва Канада давлатидаги тартибларга ўхшаш бўлиб, махсус қўми-ни Британия меҳнат бозоридики аҳо-лини ўрганиб чиқиди ва шундан келиб чиққан ҳолда керакли касб эгаларига ишлаш ҳуқуқини беради.

Тахмин қилинишича, биринчи на-вбатда тажрибали врачлар, инженер-лар ва компьютер дастурловчилари Ан-глияда ишлаш имкониятини кўлга ки-ритадилар.

Харажатлар қисқартирилади

АҚШ Президенти Жорж Буш мамлакат парламентида келгуси йил давлат бюджети лойиҳасини тақдим қилди. Унда давлат бюджети тақ-чилигини баргараф этиш учун 150 банд бўйича харажатларни қисқар-тириш бўйича тақлифлар илгари су-рилган.

Умумий давлат бюджети 2,6 трил-лион долларни ташкил қилади. Қиш-лок ҳўжалиги, таълим, табиати му-ҳофаза қилиш ва соғлиқни сақлаш соҳаларини қўллаб-қувватлашга ке-тадиган харажатлар қисқартирилади. Айни пайтда бюджет камомади 427 миллиард долларга етди. Жорж Буш бу камомадини икки баравар ка-майитиришга ваъда бермоқда.

Бугуннинг гапи

Жаҳондаги бой ва қудратли давлатлар ўтган минг йиллар давомида дунёни бир неча марта бўлиб олишган. Бугун давр ўзгарди, замон бошқача. Энди йирик давлатлар ўз тактика ва стратегиясини янгилади — бошқа давлатларни босиб олмайди, фақат уларнинг ўз таъсир доирасида бўлишни хоҳлайди.

ЎЗ АЙТАР СЎЗИМИЗ БОР

Марказий Осиё давлатлари Россия, Хитой, Хиндистон каби йирик ядровий мамлакатларга яқинлиги, Фарб ва Шарқни боғловчи муҳим стратегик ҳудудда жойлашганлиги унга бўлган қизиқишни ошириб бормоқда. Президенти Ислон Каримов Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида таъкидлаганидек, «Бу ерда жаҳондаги йирик давлатларнинг ва бизга қўшни мамлакатларнинг геостратегик манфаатлари мавжуд бўлиб, баъзида улар бир-бири билан келишмаслигини ҳам кузатиш мумкин».

Хуллас, Марказий Осиёдаги давлатларни ўз таъсир доирасига тушириш учун кураш бошланган. Шундай бир шароитда халқаро ташаббуслар билан чиқиш, жаҳонда рўй бераётган у ёки бу воқеага му-стақил муносабат билди-риш осон эмас. Аммо Ўзе-бекистон ўз манфаатларидан келиб чиққан ҳолда сиё-сат юритмоқда. Бунга қўллаб мисоллар келти-риш мумкин.

2001 йилнинг 11 сентяб-ри Америка Қўшма Штатлари учун энг фожиали кунлардан бири сифатида мамлакат тарихи-дан жой олди. Нью-Йорк-даги энг баланд эгизак би-нолар бир неча дақиқада вайронага айланди. Мин-лаб беғуноҳ кишилар тер-рор қурбони бўлди. Шун-дан сўнг АҚШ халқаро тер-роризмга қарши курашга — Афғонистонда ин қуриб олган террорчиларни тор-мор этишга киришди. Аме-рика қудратли давлат, аммо террорчилар ҳам ўзи-га яраша қуролланган эди. Бир неча йиллардан буён махсус лагерларда тайёрланишга танди улар. Шунинг учун АҚШ ҳуку-мати, аввало, минтақадан ўзи-га шерик излай бошлади. Бу ишда Ўзбекистондан ёрдам сўради.

Жаҳон оммавий ахборот воситаларини ўша пайтда кузатган бўлсангиз, улар-да бир-бирини рад этади-ган турли хил хабарлар пайдо бўлди. Хатто, айрим газеталарда Тошкент аэро-портига АҚШ ҳарбий само-лётлари келиб қўнгани

ҳақида нотўғри ахборотлар ҳам берилди. Баъзи омма-вий ахборот воситаларида эса шарҳловчилар, Ўзбекистон АҚШга ўз аэро-дромларидан фойдалани-шига рухсат бермайди. Чунки, Россия — Ўзе-бекистоннинг МДҲ бўйича шериги. Бундан ташқари, икки давлат ўртасида узоқ йиллардан буён дўстона алоқалар ўрнатилган. Ўзе-бекистон АҚШ ҳарбийларини ўз ҳудудига киритса, Рос-сия манфаатларига зид иш қилган бўлади. Расмий Тошкент бунга журъат эт-маса керак, деган мулоҳа-заларни баён этдилар.

Аммо Ўзбекистон бунга журъат этди. Террорчилар-га қарши курашда АҚШ Ўзбекистондаги аэродром-дан инсонларлик ёрдам-ларини кўрсатиш мақсади-да фойдаланишига рухсат берди. Зеро, Ўзбекистон бундан манфаатдор эди. Мамлакатимиз Президенти бир неча йиллардан буён дунё ахлини террор бало-сидан оғоҳ этиб, унга қар-ши курашда жаҳон ҳамжа-миятини бирлаштиришга ча-қириб келаятган эди. Энг асо-сийси, халқимиз террор жабрини тотиб кўрган эди. Унинг вайронагарчилик, ўлим, жабру жафо, зуравон-ликдан бошқа ҳеч нарса олиб келмаслигини яхши биларди.

Афғонистонда уя қурган халқаро террорчилар бутун минтақага, жумладан, биз-нинг мамлакатимизга ҳам хавф солиб туришган эди. Амударёнинг нариги қирғ-оқдан хар кун и ў овозла-ри эшитилиб турарди. Бун-дан ташқари, юртимиздан қочиб кетган ватандошлар бу-зиш учун фураст қўлиб ё-тган эди. Шунинг учун Ўзе-бекистон биринчилардан бўлиб террорчиларга қар-ши коалицион кучларга ёрдам беришга розилик берди.

Кейинроқ Ироқ муам-моси пайдо бўлди. АҚШ бошлик коалицион кучлар Садам Хусайн ре-жимини ағдартиш учун Ироққа ҳужум бошлади. Шунда дунёда жуда кал-тиб вазиет юзага келди. НАТО азоси бўлган

(Давоми 2-бетда).

Ҳазрат, пойингизда боғлар гуллагай!



(Давоми. Боши 1-бетда.)

Шу ўринда бу улуг инсоннинг яна бир ноёб сифати хусусида тўхталиб ўтмасак, катта бир ҳақиқатдан кўз юмган бўлаемиз. Бу нодир жиҳатни мамлакатимиз Президентини мана бундай ёрқин бир тарзда таъриф этганлар: «Агар бу зотни авлиё десак, у — авлиёларнинг авлиёси, мутафаккир десак — мутафаккирларнинг мутафаккири, шоир десак — шоирларнинг султони».

Улуг шоирнинг бундай нодирликлари ўз замонасида неча марта баъзан ҳаётда тасдиғини топган ва замонашларни хайратга солган эди.

Навоийнинг ҳар бир байтида барча замонлар учун зарур донишмандлик, ҳикмат, авлиёлик муҳасам. Келинг, қуруқ таъриф-таъсифдан аниқ гапга — далилга ўтайлик. Мана, икки байт.

Биринчиси — улуг шоирнинг «Лисонут-тайр» («Кўш тили») асаридан:

Уз вужудинга таваккур айлаги,
Ҳар не истарсен —

Бу юзунгни истаси.
Бу юк шоир — камол, сен Аллоҳдан бир зарра экансан, у сенинг вужудингда, рухониётингда, ақл-идрокингда, виждонимонингда, салоҳиятингда маъжуд экан, демек, сен — қудратлисан, пировардида, сен ўз эҳтиёжингга керак бўлган барча нарсаларни ҳам ўзингдан, ўз куч-қудратингдан, меҳнатингдан, имконияларингдан, худо берган истеъдодингдан қидир ва топ, демокда.

Биз шундай замонада яшаёмизки, яқин ўтмишдаги боқимандалик, берсанг — ейман, урсанг — ўламан, деган жирканч фалсафа ва маъшиий қараш тамомила эскирди, киши ҳазар қиладиган даражага етди. Унинг ўрнига, модомки инсон экансан, ўз меҳнатингга, имкониятларингга, уқув ва тадбиркорлигингга таян, уларни ишга сол, шижоатли бўл, ана ушунда ўзинг ҳам, эл-юрт ҳам ёлчиб, ободонлик ва фаровонликка эришадиган, деган эътиқод ва сиебсат ҳаёт кюидасига айланмоқда.

Энди бир ўйлаб кўрайлик, ахир бу қараш ва сиебсий йўл Навоий байтида ифода этилган, толевингни ўзингдан изла ва топ, деган дунёқарашнинг худди ўзингасику! Бахисоли, улуг шоир бу бекти айна кунларимизда, кеча ёки зумун эрталав битгандай, ўта замонавий садо бериб турибди.

Энди яна бир байтни тилга олайлик. Навоий бобомиз инсонга шундай деб хитоб қилади:

Тупнинг баргичалик қимматинг йўқму?
Ипак қуртчилик қимматинг йўқму?

Эшитяспизми, улуг мутафаккир нима деяпти?! Маълумки, тут барги ипак қуртга ем бўлади ва, охир-окибатда, ипакка айланади. Табиатнинг бу икки маъжудоти ҳам — баайни бизу сиз сингари — бу тирик оламга яшаш, янаниш, ривожланиш учун тўла ҳуқуқ билан келган. Аммо, қарангки, улар иккаласи ҳам ўзларини фидо қилиб, дунёда яна бир ноёб мўъжизани — ипакни яратади. Навоий бобомиз шу икки маъжудотнинг қисматиде мурассама тириклик талабига фидойиликни чуқур идрок этади, бундан хайратларга тухшад ва тахсинлар ўқийди. Аммо, яна бир нарсани биледи:

Ипакни — Аллоҳнинг энг олий яратмаси! Аллоҳнинг фазилатлари, куч-қудрати, иродаси кўпрок унда намоёндыр. Бирок, инсон, минг афсуски, кўп ҳолларда бунни сезмайди ва англаб етмайди. Бундай ҳолатдан Навоий таассуфланади ва оламда Аллоҳ томонидан яратилган бошқа фидойилик намуналарини

ни унга ибрат қилиб келтиришга ўзида мажбурият сезади. Жумладан, одамзотдан юз марта, минг-миллион марта ожиз маъжудотлар — тут барги ва ипак қуртида мислсиз фидойилик бўлса, инсон — бу қудратли зот, тириклик, ривожланиш олдидаги масъулятини ҳис қилмас, бу албатта афсусланарлидыр.

Бу ўткир оголантирувчи байт ҳам давримизга, бугунги тараққиётимизга, орзу интилишларимизга шу қадр ҳамкор ва ҳамнафаски, бунга алоҳида изоҳлаб ўтирмасак ҳам кўпчиликка тушунарлидыр. Инсон ҳам дунёга келиб, муайян бир замонада, Ватанда, жамиятда яшайди. Пировардида, у мана шу замонга, Ватанга, жамиятга фидойи бўлмас, ҳаётда маъно йўқ ва инсонликдан асар йўқ. Бизнинг ҳар биримиздан ҳам мустақиллик йўлига, Ватанимиз ривожига, халқимиз ҳаётининг ободлиги ва фаровонлигига фидойилик — сув билан ҳаводек зарурдыр. Бу давлатни эса Навоийнинг минг бора ўткир бир тилда, инсоннинг виждонини уйғотувчи бир кескин оҳангда айтмоқда...

Президентимиз Алишер Навоий ҳазратларини «авлиёларнинг авлиёси», «мутафаккирларнинг мутафаккири» деб таърифлар экан, маълум бўлганики, бу таърифларда улуг шоир сиймосига тааллуқли йирик ва ўлмас ҳақиқат муҳасамдыр. Навоий, чиндан ҳам, тарихда қамдан кам учрайдиган сўзи, иши, ҳаёти мангу ибратли, қароматли бир зотдыр.

Урни келганда, Ҳазратнинг яна битта башоратини эслайдик. У «Яхшилар ичра Ватан тутса, Навоий...» деган ҳикматли бир мисрани нафас қилган. Яъни барибир яхши замонлар, яхши одамлар дунёга келишига ишонган. У интилган замон келди. Бобокалониимизнинг нурли хотираси ва мероси Истиклолнинг илк кунларидан бошлаб Ватан, эл эътиборида. Президентимизнинг юксак эътиборида. Улуг шоир, чиндан ҳам, бугун «Яхшилар ичра Ватан тутди. Эзгулик, адолат қарор топди.»

Навоий йили

Тарихий 1991 йил. Бу йил Ватанимизнинг буюк тарихига Президент Исроим Каримов томонидан Ўзбекистоннинг Давлат мустақиллиги эълон қилинган йил сифатида абадиетга муҳланган.

Шу билан бирга, 1991 йил бошқа бир ном остида ҳам солномада эсланиши аниқ, Яъни худди шу йилни давлатимиз раҳбари «Навоий йили» деб ҳам атаган эдилар.

Маълумки, Навоий йили деб ном олган 1991 йил, ҳали бошланмишида Ўзбекистон собиқ совет тузуми бошқарувида эди. Аммо ҳаёт ўзгара бошлаган, мамлакатнинг ижтимоий-сиебсий ҳаётида Истиклол нафаси сезилмоқда эди.

Улуг мутафаккир шоир таваллудининг 550 йиллиги шарафига 1991 йилнинг «Навоий йили» деб аталганлиги Хуррият сари яна бир далил қадам бўлиб, бу тадбир мамлакат ижтимоий ҳаётида мустақиллик тамойилларини мустаҳкамлашга хизмат қилди. Масалан, худди шу йилда Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофоти таъсис этилиб, бу мукофот, энг аввало, халқимизнинг миллий озодлиги учун курашиб, қурбон бўлган Абдулла Қодирий, Чўпон, Абдурауф Фитрат каби улуг фидойил зибиларига берилди. Бу кўп маъноларни англаёт эди. Иккинчидан, шу йили Ўзбекистон Фанлар академияси Тил ва адабиёт институти ҳам миллий дахомиз номини олди, институт илмий ходимлари олдида эса тилимизнинг обрў-эътибори ва маъқебини мустаҳкамлаш йўналишида иш олиб бориш ҳамда миллий адабиётимиз бойликлрини тиклаш, элга қайтаришга ҳисса қўиши ва уларни соғлом, адолатли илмий ҳаётий мезонлар асосида қайта ўрганиш вазифалари белгиланди. Шоир юбилейи билан боғлиқ муҳим тадбирлардан яна бири, шакшубҳасиз, унинг ижодий меросини тўлақонли қамраб оладиган йирик 20 жилдик академик нашрга киришилганиги эди. Бу вазифанинг муҳим аҳамиятга эгалиги шундаки, Алишер Навоий ижодий совет тузумининг гайри миллий сиебсати ва мафкураси талабларига биноан «танқидий идрок этилган, кўп асарлари ўша даврддаги кўп жилдикларга киритилмаган, борлари ҳам турли хил қисқартиришларга учраган эди. Навоийнинг ўзи эса у даврддаги маърузаларда ва илмий тадқиқотларда салкам атеисткоммунистга айлантириб қўйилганди.»

Ингирма жилдикни тайёрлашда буюк шоир меросини тўла қамраб олиш йўлидан борилди, унинг асарларига илмий-ғойий ёндашув тубдан ўзгарди. Бу йирик академик нашр бугунги кун

ларимизга келиб шарафли ниҳояланди. У Навоий даҳосининг тўлақонли ва ҳақиқий кўзгуси бўлиб қолди.

Худди шу, Навоий йилида Президентимиз ташаббуси билан тарихий аҳамиятли яна бир улкан тадбир ҳам амалга оширилди. Бу тадбир — пойтахтимизда Алишер Навоий номидаги Миллий боғга асос солинганлигидир. Энди бу тўғрида алоҳида ва махсус саҳифаларда ҳикоя қилмоқчимиз.

Кўшалок байрам

Пойтахтимизда Алишер Навоий номидаги Миллий боғнинг барпо этилиши ва унда мутафаккир бобокалониимиз хурматиға ҳайкал тикланганлиги Ўзбекистон Мустақиллиги солномасининг илк нурли саҳифаларидандир.

Юқориде айтганимиздай, 1991 йил давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Навоий йили деб эълон қилинди. Шу тарихий сана билан боғлиқ равишда, жумладан, Президентимиз Ташкентда улуг шоир номи билан аталган Миллий боғ вужудга келтириш ва унинг бағрида Навоийга ҳайкал ўрнатиш гоъсини илгари сурдилар.

Биз ўша кунлардаги воқеаларнинг шаксан гувоҳи — ҳукумат миқдаси Навоий номидаги Миллий боғни барпо этиш масаласига бағишлаб ўтказилган мухокамаларда навоийшунос олим сифатида иштирок этган адабиётшунос олим, академик Азиз Қаюмов хузурда бўлиб, сўзбатлашдик.

— Халқимиз ушбу боғ ва унда

Дикқатга сазовор жиҳати шундаки, бу маърака оши хорижий давлатлардан Ўзбекистонга, ўзбеклар (туркистонликлар)нинг биринчи халқаро учрашуви анжуманига келган юзлаб ватандошларимизга ҳам насиб этди.

Кейин Навоий ҳайкаlining очирилишиға бағишланган тантанали маросим бўлди. Унда муҳтарам Президентимиз буюк бобокалониимиз сиймосига улкан меҳр-муҳаббат ва хотирасига чексиз эҳтиром билан сўғорилган аъойиб маъруза қилдилар. Ўз маърузаларида Йўлбошчимиз Навоийнинг 550 йиллик тўйини «Миллат байрами», «Қадриятларимизни яна бир бор улуглайдиган байрам» деб баҳоладилар. Бу байрамнинг мустақиллигимиз эълон қилинган илк кунларда ўтказилаётганлиги алоҳида файзли, саодатли айём эканлигини таъкидладилар. Ҳозирги кунда Ташкентдаги Навоий ҳайкали ўрнатилган аъойиб Миллий боғ республикамиз халқи ва хорижий меҳмонлар учун мўтабар бир зиёратгоҳга айланиб кетди. Бу масканда ҳар йили аъойиб Наврўз сайиллари, бошқа байрам тантаналари ўтказилмоқда. Миллий боғ ва ундаги ҳайкал — Ватанимизнинг олий қадриятларидан бўлиб қолди.

Худди шу воқеа муносабати билан санъатшунос олим Абдулҳай Умаровнинг кундалик дафтаримиз қатларида саҳланиб келаётган сўзларини ҳам газетхоналаримизга ҳавола этмоқчимиз.

— Халқимизга, Ватанга Миллий боғ ва бу улугвор ҳайкал керак эди, — дейди санъатшунос олим.

бўлиши, ундаги Навоий ҳайкали қандай тарзда гавдаланишини, ҳайкал вужудига муҳасамланадиган йирик мазмун-моҳиятни ҳам ўзлари ойдинлаштириб бердилар.

Шу тариқа, Миллий боғ яратилишиға киришилди. Ундаги ҳайкални Президентимизнинг гоълари асосида самарқандлик ҳайкалтарошлар Айнулла Алиев, Нодар Бандзеладзе ҳамда Василлий Дегтьеревлар яратдилар. Бу санъаткорлар ўзлари яратган ҳайкалда буюк мутафаккир инсон ва широнинг улугвор сиймоси ва теран рухий оламини юксак даражада ифода этишга муъссар бўлдлар. Ушбу ҳайкал-ёдгорликда Президентимиз уларнинг олдига қўйган — Навоийни ҳам шоир, ҳам мутафаккир, ҳам халқпарвар давлат арбоби сифатида кўрсатишдек масъулятни ижодий вазифалар моҳирона баҳарилган. Ҳайкалнинг таркибий белгилари — широнинг олиймақом либоси, қўли ва салобатли ҳасса, унинг гайрат-шижоат билан халқ орасига қадам ташлаб бораётгандек қуриниши, ҳечрасидаги виқор, улугворлик жиҳоси, ниҳоят, ҳайкал пештоқига:

Олам аҳли, билингизким,
Иш эмас душманлиги,
Ёр ўзинг бир-бирингизгаким,
Эрур ёрлиг иш!

деган машҳур байти битилганлиги — булар барчаси Президентимиз ҳайкалтарош меъморларга берган гоълар натижасидир. Ҳайкалнинг бу хусусиятлари эса улуг маъноларни англайди.

— Эдгорлик — ҳайкалнинг муъза

бат ўтказган ва бизга мана шу боғни бунёд этиш концепциясини баён этиб берган эди. Кейин бу гоъни амалга ошириш бўйича тайёрларлик ишлари бошлаб юборилди. 1991 йилнинг февраль ойида бевосита Миллий боғ яратиладиган жойда — хозирги Халқлар дўстлиги саройи майдонида учрашдик. Президентимиз бу боғга тааллуқли ўз концепциясини янада кенг ва батафсил тушунтириб берди. Бу концепцияга кўра, «Халқлар дўстлиги» саройини, Ешлор қўлини ва унинг атрофини, Бешёғоч майдони ёнларини қамраб оладиган 70 гектарлик улкан худудда Алишер Навоий номидаги республикамизнинг бош Миллий боғи бўлиши керак эди.

Президент ўз сўзларида боғнинг миллий қиёфада бўлишини алоҳида таъкидлади. Бу эса ҳайкалнинг таркибий аломатларидан тортиб гўмбазгача, қурилишда гранит, мрамор каби материалларнинг бевосита Ўзбекистоннинг ўз миллий хомаёларидан фойдаланилишига — барча-барчасини ўз ичига оларди...

Миллий боғ ва ҳайкал ўрнатиладиган жойларни эса довли-жойлар, чойхоналар, ошхоналар, кинотеатр ва бошқа қурилмалар эгаллаб ётарди. Аввал қурилиш майдонини хозирлаш керак эди. Бу жойлардан аҳолини кўчириш, эски маҳаллаларни бузиш вазифаси турурди. Мана шу ишларга 1991 йилнинг февраль ойида киришилди. Май ойида эса боғ асосини вужудга келтириш учун зарур 15 гектарлик майдон очилди, шундан кейин қурилиш ишлари бошланиб кетди.

Юртбошимиз боғ қурилиши учун 4-5 ойлик мудартни белгилادилар. Иш кеча-ю-кундуз уч сменада тўхтовсиз борар эди. Исроим Абдулганиевич ўзлари ҳар ҳафтанинг душанба ва жума кунлари пешиндан кейин вақт топиб, албатта қурилиш майдонига келар, иш билан батафсил танишар, керакли маслаҳат ва йўл-йўриқларни берар эдилар. Масалан, ҳайкалтарош ва меъморлар ўртасида Навоий ҳайкалинни қўлга қараб юзлантириш фикри бор эди. Исроим Абдулганиевич эса ҳайкални олдиндаги майдонга, халқ келадиган томонга қаратиб тиклашни айтдилар. Ва бу тўғри тақлиф эканлиги кейинчалик равшан бўлди. Шахсан Президентнинг ўзи Миллий боғ қурилишиға катта эътибор кўрсатаётганидан куч-қувват олган қурувчилару муҳандислар, меъморлару ҳайкалтарошлар фидойиларча ишладилар. Ниҳоят, Алишер Навоий номидаги Миллий боғнинг 15 гектарли асосий қисми 1991 йилнинг август ойи охирларида тайёр бўлди. 1991 йил 28 сентябрь кун эса боғнинг очилишиға бағишланган катта тантанали маросим ўтказилди.

Маълумки, худди ўша йили 31 августда Исроим Каримов Ўзбекистон давлат мустақиллигини эълон қилди ва мамлакат ўз тақдирини энди ўзи хал қиладиган бўлиб қолди. Республикада 1 сентябрь Мустақиллик кун де расмий белгиланди. Ташкентда Алишер Навоий номидаги Миллий боғнинг очилиш маросими мустақиллик байрами тантаналариға уланиб кетди. Шу сабабли, Миллий боғдаги тантаналарда катнашган ватандошларимиз ва чет эллик меҳмонларни давлатимиз раҳбари қўшалок байрам билан табриқлади. Миллий боғ — улуг ўзбек шоирининг 550 йиллик тўйига халқимизнинг муносиб сиебсат ҳаёти бўлди. Бу худудда Навоийга ҳайкал муъзаам баландликда ўрнатилгани, унга олиб чиқадиган зинаполярли, атрофдаги кенглик, тўрт томондан ҳайкалга халқ оқимининг келиш йўллари — булар барчаси буюк Миллий даҳгога ярашади.

Миллий боғни Президентимиз концепцияси асосида ривожлантириш, кенгайтириш иши узлуксиз давом этапти. Улуг шоир ҳайкали атрофдаги боғ йил сайин улугворлик, салобат ва гўзаллик касб этиб бормоқда. Ҳайкал ортидаги кўл худудида алоҳида оролар ташкил этилди ва кўл ичида бевосита кўл сувини кўкка пурқайдиган гейзер фавворалар бунёд этилди. 1994-1995 йилларда кўл ортидаги анҳор каналининг оқими тўғривланиб, атрофи ободонлаштирилди. Бешёғоч майдонидан кейин Анҳор устига йирик кўприк қурилди. 1996-1998 йилда бевосита Президентимиз ташаббуслари асосида Миллий боғ ёнида Олий Мажлис биносининг лойихаси ишлаб чиқилди. Лойихага кўра, улуг қошна атрофида кенг, очик ва кўркам майдонлар вужудга келтирилиши лозим эди. 1998 йилда худди шундай қошна қурилиб, фойдаланишиға топирилди.

Ҳозирги кунда Алишер Навоий номидаги Миллий боғ майдонини янада кенгайтирилиб, функционал зоналаштириш асосида ривожлантирилмоқда. Яъни бу худудда алоҳида мемориал худуд, сокин оромгоҳ худуди, спорт майдони, болалар учун истироҳот худудлари, аттракцион ва ҳўжалик ишлари худудлари вужудга келтирилди. Боғнинг кириш дарвозалари ҳам замонавий лойихалар асосида ўзгартирилди...

Миллий САФАРОВ.

(Давоми бор.)



улуг шоиримизнинг муҳташам ҳайкалига эга бўлганлигимиз учун, энг аввало, давлатимиз раҳбаридан миннатдор бўлмоғимиз керак ва бу бизнинг бурчимиз, — дейди олим. — Сабаби, Миллий боғимиз худди шу инсоннинг катъий иродаси ва нияти билан вужудга келди. Ушбу боғ масаласини, ҳали собиқ тузум қалаёган ўша кунларда, турли доираларда муҳокама қилинди. Шу муҳокамада айрим кишилар, бу шаҳарда Навоийга иккита ҳайкал зарурмикан, деб чиқдилар. Шунингдек, агар Навоийга қўшимча ҳайкал зарур бўлса, «Шоирлар хиёбони»даги ҳайкалдан ташқари, балким, Алишер Навоий номидаги академик театр ёнида унга кичикроқ бирор бюст ўрнатиш билан қиёфаланса бўлар, деган мулоҳазаларни билдирганлар ҳам бўлди. Хуллас, шундай баҳс-мунозаралар давом эла борди. Унга шахар раҳбарлари, архитекторлар, қурилиш ташкилотларининг раҳбарлари ҳам аралашди.

Ниҳоят, бундай баҳсларга Ўзбекистон раҳбари, Алишер Навоий таваллудининг 550 йиллиги тўйини ўтказиш қўмитасининг раиси Исроим Каримов узил-кесил аниқлик киритдилар. Ташкентда Ешлик боғи ва Халқлар дўстлиги қононаси ўртасидаги майдонда улуг бобокалониимиз Алишер Навоий номидаги Миллий боғ ташкил этилиб, унда Навоийга янги улкан ҳайкал ўрнатиш тўғрисида ҳукумат миқёсида қарор қабул қилинди. 1991 йилнинг февраль ойларида бу ишга киришилди. 1991 йилда Навоийнинг 550 йиллиги тантаналари вақтида боғ ва ҳайкал тайёр бўлиб, 28 сентябрь кун тантанали очилиш маросими ўтказилди. Бу тадбирларнинг ҳаммасига Юртбошимизнинг ўзлари бош-қош бўлдлар. Миллий боғ ва Навоий ҳайкаlining очирилиш маросими ниҳоятда катта, умумхалқ байрамига айланди. Аввал, миллий удуларимизга амал қилиниб, улуг бобокалониимиз хотирасига Курьон тиловат қилинди, сўнг ош берилди.

— Президентимиз буну чуқур аналган ва катъий қарорга келган. Мен буну шундай тушунман: 1947 йилда Ташкентнинг Шайхонтохур мавзесида, Адабиёт музейи олдида Ленинградлик ҳайкалтарош В.Вольчек томонидан яратилган Алишер Навоийнинг ҳайкали ўрнатилган. Бунинг устига, музей олдида «Шоирлар хиёбони» ташкил этилиб, Навоий ҳайкали ёнида бошқа турли миллат шоирларига аталган бюстлар ҳам қўйилди. Мақсад шундайки, гўё бу хиёбонда турли халқларнинг шоирлари мушоира қилмоқда. Навоий эса мезбон сифатида шу мушоира даврасини бошқармоқда. Мақсад — ёмонмас. Аммо масаланинг бир неча «Лекин»и бор. Биринчидан шуки, бу даврада Навоий фақат шоир сифатида гавдалан-тирилган. Яъни биш ушбу ҳайкалда Навоийнинг тарихан чекланган қиёфасини кўрамиз. Ҳолбуки, Алишер Навоий ўз даврида нафақат буюк шоир эдилар, айни пайтда у буюк донишманд аллома, мутафаккир шахс ва йирик давлат арбоби бўлганлар. Мана шундай буюк тарихий оиймони бирёклама кўрсатиш — В.Вольчек ишлаган ҳайкалнинг жидий камчилиги эди. Иккинчидан, унда биз Камолиддин Беҳзод ва Махмуд Муъаззиб каби улуг рассомлар яратиб қолдирган шоирнинг асл қиёфасини кўрамиз. Учинчидан, айрим маълумотларга қараганда, шоирлар даврасида Навоийнинг салобати алоҳида аҳралиб, бошқаларни ўз соясига қолдирмасин, деган мафкураро авотирдан келиб чиқишиб, «Шоирлар хиёбони»даги бобокалониимиз ҳайкаlining пойдевори кесиб-кириқиб, пасайтирилган экан.

Миллий боғ ва унда Навоийга ҳайкал ўрнатиш мақсади ўша Истиклол арасидеги кунларда Юртбошимиз томонидан катъий қилинган, танлов эълон қилинди. Турли-туман тақлиф ва режалар илгари сурдилар. Аммо давлатимиз раҳбари танловда илгару сурилган гоълар ва режаларни хулосалаб, боғ боғ қаерда

зам баландликда ўрнатилганлигини кузатиб туриб, биз давлатимиз раҳбарининг орадан 10 йил ўтиб, 2001 йилда Навоий шахрида Алишер Навоийга бағишлаб бунёд этилган ёдгорлик мажмуини очилишиға бағишланган тантанали маросимдан кейин журналистлар билан сўхбатда айтган сўзларини беихтиёр эслаймиз.

Ушунда Исроим Каримов Навоий шахрида баҳарилган ишлардан мамнун эканлигини изҳор этиб, айни пайтда, янги боғ ҳали тўла муқаммаллик касб этмаганлигини, Навоий ҳайкаlining пойдевори мақсадга мувофиқ бўлишини айтиб, журналистларга шундай деган эдилар:

— Навоий ҳайкали пойига гул қўйишни истганлар тўғридан-тўғри эмас, поғонама-поғона қўтарилиб бориб, унга яқинлашишда чуқур рамзий маъно бор. Ҳар бир зинага оёқ босилганда, Навоий даражасига етишга интилиши, бобокалониимизга муносиб бўлиш ҳисси уйғонади. Ҳайкал пойдеворини кўтаришини яна бир муҳимлиги шундаки, киши боққа кириши билан оёқ юксакда ҳазрат сиймосини кўриши керак. Навоийнинг улугворлиги ҳайкал салобати тўғрисида шу еринг ўзидаёқ аёнлашади, боққа келганлар дарвозадан кириши билан унга таъзим қилмоғи даркор...

Миллий боғдаги Навоий ҳайкали бундан 10 йил олдин, юртбошимизнинг худди шу олийжаноб ниет-мақсади ўз ифодасини топган.

Биз Миллий боғни барпо этишда бевосита иштирок этган архитекторлардан бири, ҳозирги кунда «ТашкентбошпланЛИТИ» раҳбари А.Акопжян билан учрашиб, сўхбатлашдик. Валерий Ашотович ўша пайтда Алишер Навоий номидаги Миллий боғ қурилишининг лойиха раҳбари сифатида фаолят олиб борган.

Иброт

Қорақалпоғистон билан танишувимиз республика Ёзувчилар уюшмасидан бошланди. Уюшма раиси, Ўзбекистон Қахрамони, севимли ёзувчимиз Тўлепберген Қайипбергенов бизни хуш кайфият билан қарши олди. Республикада кейинги йилларда амалга оширилган улкан бунёдкорлик ишлари, ижод аҳлининг қўлга киритилган муваффақиятлари ҳақида устоз тўққинлаб гапирди. Айниқса, ҳукуматимиз қорақалпоқ халқига алоҳида меҳр ва муҳаббат билан қараётганини таъкидлаб ўтди. Сўхбатимиз якунланганда, биз адиб билан хайрлашиб, Нукус шаҳрини томошга қилиш учун отландик. Ҳамкасбим муҳим бир изоҳ берди.

— Уч-тўрт йил бурун адиб ўзларига ажратилган машинани ҳукуматга қайтариб топширдилар. Унинг ўрнига Ёзувчилар уюшмаси аъзоларига имтиёз беришларини илтимос қилди ва бунга эришти ҳам. Шундан бунён ёзувчилар республика ҳудудидан давлат автобусларида текин юришади.

Фидойилик

Музабир, археолог, ҳайкалтарош И. В. Савицкийнинг номи Қорақалпоғистонда алоҳида меҳр-муҳаббат билан тилга олишади. У бутун умрини қорақалпоқ халқи санъатини ўрганиш, бойитишга бағишлади. Иккинчи жаҳон уруши йилларида эса, дунё санъати дурдоналарини тўплашдек машаққатли ишга бел боғлади. Қирғизбарот жанглари бораётган жойларга бориб, кўплаб жаҳон санъати дурдоналарини уруш оловларидан омон саклаб, қўлга киритиб Қорақалпоғистонга олиб келди ва бу билан республика санъат музейининг яратилишига асос солди. Унинг бу меҳнатлари муносиб қадрланди: вафотидан сўнг давлат санъат музейи И. В. Савицкий номи билан аталди.

— Бу фидойилик, — дейди биз билан сўхбатда Қорақалпоғистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазири Т. Даулетмуратов, — мустақиллик йилларида алоҳида тақдирланди. Музейнинг янги биноси қурилиши деярли 30 йил мобайнида битмай келганди. 2002 йилда ҳукуматимиз томонидан 1 миллиард сўмлик маблағ ажратилди. Жаҳоннинг энг зўр музейлари билан бемалол бел-

лаша оладиган бино буткул қуриб битказилди, замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди. Халқимизнинг ўзига хос санъатини қадим ўтмишдан тортиб ҳозирги кунимизгача бўлган тараққиёт тарихи экспонатларда

мояндалари Ю. Шарипов, Ю. Мамутов, О. Худойшукровларнинг юбилей кечалари ўтказилди...

Бердақ номидаги театрнинг замон талаблари даражасида жиҳозланганидан кўз қувонади. Бир кунда

Қанот жуфт бўлади

акс эттирилган. Савицкийдан мерос бўлиб қолган санъат дурдоналари эса, музейнинг бебаҳо мулкига айлантирилди.

Маданиятга эътибор фақат шу билан чегараланмай-

тўрт марта намойиш этилатган томошаларга одамларнинг оқиб келаётганини кўзатиб, театр муҳлислар эътиборини қозонибди, деган хулосага келдик. Томошани кўриб, қорақалпоқ

Муҳбир сафардан қайтди

ди. Бердақ номидаги Нукус давлат театрида 515 миллион сўмлик қайта таъмирлаш ишлари олиб борилди, 40 миллион сўмга яқини турли жиҳозлар билан таъминланди. 3. Хожаниёзов номидаги Ёш томошабинлар ва Республика кўғирчоқ театллари 21 миллион сўмлик яқин турли ашёларга эга бўлди. Учала театрининг ҳар бирига "Отайл" автобуслари ажратилди.

Икки хил манзара

Қорақалпоғистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазири И. В. Савицкийнинг номи Қорақалпоғистонда алоҳида меҳр-муҳаббат билан тилга олишади.

...Хотира ва қадрлаш қуни, Халқаро болаларни химоялаш, Гийҳванчиликка қарши кураш, Қатагон қурбонларини хотирлаш, Ўқитувчи ва мураббийлар, Ногиронлар қуни ва бошқа саналарга бағишланган маданий-оммавий тадбирлар юксак савияда ташкил қилинди...

"Айқулш" миллий халқ ансамбли Жанубий Корея, Хитой давлатларида бўлган фестивалларда қатнашди... "Қорақалпоқ миллий либослари ва тақинчоқлари", "Улкамиз тарихини ўрганишимиз", "Биз дунё бунёдкорларимиз" каби қатор кўргазмалар ташкил этилди... Қорақалпоқ санъатининг атоқли на-

халқининг бой ва ўзига хос санъатига ошно, янги-янги истеъдодлар етишиб чиқаётганига амин бўлдик.

Ҳа, Нукус шаҳрида эътиборга лойиқ ишлар анчагина. Шу билан бирга, биз сафаримиз мобайнида Қорақалпоғистоннинг айрим олис туманларида ҳам бўлдик. Ва бу ҳудудлардаги маданий-маънавий ҳаёт баъзи муаммолардан холи эмаслиги кўриниб қолди. Жумладан, Тахтақўпри тумани маданият уйи икки қаватли бинода жойлашган. Лекин бу ерда соҳа фаоллари учун шароит яратилмаган. Ашёлар эски, хоналар совуқ ва таъмир талаб.

Маданият уйида ҳисобчидан бошқа одамни тополмадик: бўлим мудири Нукуса кетган, бошқа ходимларнинг қарваллигини ҳеч ким билмайди. Ҳисобчи қўйиб берган омонатгина стулга ўтириб, баъзи маълумотларни суриштирдик.

Афсуски, икки соатлик фурсатда эски йилларда сотиб олинган китоблар ҳақидаги маълумотга эга бўлдик, холос. Қораўзак тумани маданият бўлими идорасидамаиз. "Туман кутубхонаси", "Маданият бўлими" идораси мослаштирилган бинода жойлашган. Бино каби ашёлари ҳам қариб. Полсиз, Хоналар совуқ. Бу жойда маданий тадбирлар, китобхоналик кечалари, сўхбатлар ўтказишнинг умуман илҳози йўқ. Ҳозирги кунда бўлим-

га қарашли 23 та кутубхона, 3 та клуб, 1 та автоклуб, 4 та маданият уйида 56 нафар ходим ишлайди. Уларнинг айна пайтда бажараётган ишлари билан қизиққаннимизда, турли саналарни ўтказишда бошқоқ бўлишгани, оммавий тадбирларда қатнашишганини айтиб ўтишди.

Бизнингча, ўз жойини, у хоҳ маданият уйи, хоҳ клуб бўлсин — замонавий анжомлар билан жиҳозланган, радио-телевидение билан боғланган, 20-25 номдаги матбуот нашрлари билан таъминланган, шахмат-шашка каби қизиқарли беллашувлар ўтказиш имконияти яратилган — одамларни оҳанрабодек ўзига тортадиган шундай масканларга айлантириш маданият ходимларининг биринчи ўриндаги вазифалари бўлиши керак.

Қаерда, қандай бадий адабиёт нашрдан чиққан бўлса, уни ўз кутубхонасида бўлишига эришиш, бундан китобхонларни хабардор қилиб бориш, оммавий адабиётга бўлган муҳаббатини янада қучайтириш кутубхоначининг касбий бурчи бўлмоғи лозим. Бунинг учун у китобхоналик кечалари, ёзувчи-шоирлар билан учрашувлар уюштириши, китобнинг улуғ мўъжиза, ундан ортиқ дўст йўқ эканлигига одамларни ишонтириш — адабиётнинг биринчи тарғибчиси бўлиши талаб этилади.

Қорақалпоғистонда 443 та кутубхона, 177 та клуб ва маданият уйлари мавжуд. Бу муссафалар 3008 нафар ходим фаолият юритмоқда. Уларнинг орасида ўз ишининг жонқурлари ҳам бор, албатта. Лекин биз туманлардаги аҳолининг ҳам замонавийнинг илғор маънавий-маърифий талаблари даражасидаги ҳаётга ва имкониятларга эга бўлиши учун ҳали бу ерларда анча-мунча ишлар қилинишига зарурият борлигини ҳис этдик.

Қорақалпоқ диёрида қуриб, бажарилган маданий-маърифий юмушларни қайд этиш, ўзимиз гувоҳ бўлган муаммоларни ҳам қаламга олишдан мақсадимиз, Орол бўйидаги бу ажойиб, ўзига хос миллий руҳиятга, урф-одат ва анъаналарга эга халқ турмушини хушроқ, мукамал қиришидир. Мулоҳазаларимиз бу ишларнинг тез кунда амалга ошишига хизмат қилса, ажабмас.

Соид АНВАР, "Халқ сўзи" муҳбири.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ

ва Ривожланаётган мамлакатлар фанлар академияси (TWAS) ёш олимлар учун биргаликда таъсис этилган мукофотга танлов эълон қилади.

Мукофотлар математика, физика, биология ва кимё соҳасидаги юқори савиядаги фундаментал илмий ишлар учун берилади.

ИШЛАРНИ ТАҚДИМ ҚИЛИШ ТАРТИБИ:

- танловда ёши 40 дан ошмаган, илмий даражага эга бўлган ёш олимлар қатнашиши мумкин;
- танловга охириги 5 йил давомида халқаро нуфузли журналларда чоп этилган мақолалар нусхаси ҳамда чет элда нашрдан чиққан монографиялар қабул қилинади (халқаро конференцияларнинг маърузалари ва тезислар сифатида чоп этилган мақолалар қабул қилинмайди);
- танловга муассаса раҳбари томонидан тасдиқланган сўровнома тақдим қилиниши шарт;
- танловда алоҳида шахслар яққа тартибда иштирок этиши мумкин. Ҳаммуаллифлар мавжуд бўлган ҳолларда, муаллифнинг шахсий иштироки ҳақидаги маълумотнома муаллифлар жамоаси раҳбари имзоси билан тақдим қилинади.

Ҳар бир мукофот — 500 АҚШ долларини ташкил қилади. Ҳужжатларни тақдим қилиш муддати — 2005 йилнинг 15 мартигача.

Мукофотларни олиш тартиби, керакли ҳужжатларни расмийлаштириш масалалари ҳақида қўшимча маълумотларни куйидаги манзилдан олиш мумкин: 700047, Тошкент шаҳри, Я.Фулмонов кўчаси, 70-уй. Телефонлар: 133-73-31, 133-29-81.

«ТРУБНАЯ МЕТАЛЛУРГИЧЕСКАЯ КОМПАНИЯ» (Российская Федерация) и ОАО «УЗКОММУНМАШТАЪМИНОТ»

предлагают к реализации стальные трубы со склада в г.Ташкенте по нижеуказанным отпускным ценам. Завод-изготовитель — «Северский трубный завод» (г.Полевской, Свердловская обл.)

Диаметры труб (мм)		Цена за 1 тонну сум.	
		Цены действительны по 28.02.2005 г.	
ТРУБЫ ВОДОГАЗОПРОВОДНЫЕ ГОСТ 3262-75:			
ДУ 15х2,8 мм	944000	ДУ 40х3,0-3,5 мм	934000
ДУ 20х2,8 мм	944000	ДУ 50х3,0-3,5 мм	934000
ДУ 25х2,8-3,2 мм	944000	ДУ 100х4,5-5,0 мм	994000
ДУ 32х3,2 мм	934000		
ТРУБЫ ЭЛЕКТРОСВАРНЫЕ ГОСТ 10704-91; 10705-80:			
76х2,8-4,5 мм	994000	114х3,0-6,0 мм	994000
89х5,0 мм	994000	159х5,0-6,0 мм	1199000
108х3,0-4,5 мм	994000		

Кроме того, под заказ поставляем металлические трубы любого диаметра и назначения с трубных заводов, входящих в состав «Трубной металлургической компании» (Россия):

- Волжский трубный завод (г.Волжский, Волгоградская область);
- Северский трубный завод (г.Полевской, Свердловская область);
- Синарский трубный завод (г.Каменск-Уральский, Свердловская область);
- Таганрогский металлургический завод (г.Таганрог, Ростовская область).

Контактные телефоны: 134-05-75, 134-07-94, факс 132-20-56. E-mail: uzkommash@tkk.uz Адрес: 700035, г.Ташкент, ул.Низбек йули, 1, 7-й этаж, здание института «Ўзбеккоммуналлојиха».

«ТАДБИРКОРБАНК»

аҳолига кўйидаги омонат турларини тақлиф қилади:

- Йўқлаб олинанидиган омонат тури бўйича — 8%
- Икки йил муддатга бўлган омонат бўйича — 32%
- Уч йилдан кам бўлмаган муддатли омонат бўйича — 34%
- Бир ой муддатга бўлган омонат бўйича — 28%
- Уч ой муддатга бўлган омонат бўйича — 36%
- «ОРЗУ» уч ойдан кам бўлмаган муддатга бўлган омонат бўйича (бошланғич маблағ миқдори — 50000 сўм) — 34%
- «МАВСУМ» уч ой муддатга бўлган омонат тури бўйича (бошланғич маблағ миқдори — 35000 сўм) — 32%



- Олти ой муддатга бўлган «ТАДБИРКОР» муддатли-мақсадли омонат тури бўйича (бошланғич маблағ миқдори — 25000 сўм) — 28%
- «СИҲАТ-САЛОМАТЛИК» бир йил муддатга бўлган омонат тури бўйича (бошланғич маблағ миқдори — 1000000 сўм) — 35%
- «СУРОНИЙ» бир йил муддатга бўлган омонат тури бўйича — 32%
- «ИСТЕЪМОЛ» жамғармасы бўйича — 18%

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Аббосхон УСМОНОВ

Тахрир хайъати: Э. Болев (масъул котиб — «Халқ сўзи»), П. Дюгай, Ш. Жаббаров (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), Л. Кучеренко (масъул котиб — «Народное слово»), М. Миралимов, С. Муҳиддинов, Ш. Ризаев, А. Саидов (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), М. Сафаров, И. Ўтбосаров, А. Ҳайдаров, Ҳ. Ҳошимов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхоналар билан алоқа ва миттақалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

РЕСПУБЛИКА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ТЕХНИКАСИ ВА ЭҲТИЁТ ҚИСМЛАРИ БАЗАСИНИНГ ТОШКЕНТ ШЎЪБА КОРХОНАСИ

Тошкентдаги омборхонадан Россия Федерацияси заводларида ишлаб чиқарилган

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ШИНАЛАРИ ВА ЭҲТИЁТ ҚИСМЛАРИНИ

пул ўтказиш йўли билан арзон ва сифатли маҳсулотларни тақлиф қилади.

Пахта ва галла (23210... 23220...) траншларини ҳам қабул қилади.

Мурожаат учун телефонлар: 132-12-07, 41-09-20, 41-49-43, 41-50-04. Факс: 132-12-04.

МИНСК АВТОМОБИЛЬ ЗАВОДИ

Ўз маҳсулоти бўлган МАЗ русумли оғир юк автомобилларини, тиркагичларни, ярим тиркагичларни, автобусларни, махсус техникаларни (автокранлар, автоэкскаваторлар, автобетонкорғичлар...) ва уларнинг эҳтиёт қисмларини мижозларга етказиб бериш учун буюртмалар қабул қилади ва шартномалар тузади.

Бунинг учун Минск шаҳрига боришингиз шарт эмас, фақат Тошкентдаги расмий вақилимиз — «O zbekmazservice» қўшма корхонасига мурожаат қилсангиз, бас.

Манзили: 700005, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, «8 Март» кўчаси, 57-уй. Телефонлар: 191-64-06, 191-68-94, E-mail: uzbekmaz@inbox.ru E-mail: UzbekMAZservice@mail.ru

Биринчи Тошкент Давлат тиббиёт институти ректорлиги, клиника ва жамоат таъшиқлотлари институтининг стоматология факультети жарроҳлик касалликлари кафедраси профессор-маслаҳатчиси, тиббиёт фанлари доктори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан аربоби

Соид Магруппович АГЗАМХОДЖАЕВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор қилади.

Абдулла Қоширчи номидаги Тошкент давлат маданият институти жамоаси институти ректори А. О. Тўраева акиси

Умаржон ТўРАЕВнинг вафот этганини муносабати билан таъзия изҳор этади.

ТСБнинг 1-Марказий клиник шифонаси жамоаси собиқ бош шифокор, профессор

Соид Магруппович АГЗАМХОДЖАЕВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг қариноқ-уруғлари, яқинларига чуқур таъзия билдиради.

Тошкент Банк коллежи жамоаси «Иқтисодий таҳлил» фани профессор ўқитувчиси Аҳмад апа МАҲАМАТОВнинг вафот этганини муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган. Буюртма 1 — 163, 32737 нускада босилди, ҳажми — 2 тибок. Офсет усулида босилган. Қўшма бичими А-2. Газета IBM компьютерда терилди ва операторлар Жамид Тоғиев ва Бақодир Файзуев томонидан санъатланди. Тақрирларда ҳажми 5 қороздан зиёд материаллар қабул қилинмайди. П-Тижорат материалли

● **МАНЗИЛИМИЗ:** 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилик кўчаси, 32-уй. Навбатчи котиб — А. Орпнов. Навбатчи муҳаррир — Э. Болев. Навбатчи — Ю. Бурунов, Мусахҳод — М. Ёкубова.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буёқ Тўрон» кўчаси, 41. Ҳа А якуни — 21.00 Топшириди — 21.10 2 3 4 5 6